

БОҒДОРЧИЛИК

ТАВСИЯ

МЕВА ВА ТОК ЎСИМЛИКЛАРИГА ҚИШКИ СОВУҚНИНГ ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ

Файзиев Жамолiddин Насирович, қ.х.ф.д.,
Обиджанов Дилшод Ахмед Хужа ўғли, қ.х.ф.н.,

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти.

Аннотация. В результате непроведения своевременных агротехнических мероприятий в садах плодовые деревья становятся устойчивыми к холоду. Уровень морозостойкости высокий в садах, обеспеченных минеральными и местными удобрениями и своевременной борьбой с вредными организмами. Субтропические культуры, такие как гранаты, инжир и финики, погибают из-за холодных последствий изменения климата. Поврежденные морозом деревья персика, вишни и абрикоса восстановить труднее, а поврежденные морозом деревья яблони и груши можно восстановить до хорошего состояния с помощью уцелевших отводков камбия при уходе за ними без обрезки ранней весной.

Ключевые слова. Сады, агротехнические мероприятия, холод, холодостойкость, гранат, инжир, финик, персик, вишня, абрикос, яблоня, груша.

Abstract. As a result of failure to carry out timely agrotechnical measures in gardens, fruit trees become resistant to cold. The level of frost resistance is high in gardens provided with mineral and local fertilizers and timely pest control. Subtropical crops such as pomegranates, figs and dates are dying due to the cold effects of climate change. Frost-damaged peach, cherry, and apricot trees are more difficult to restore, but frost-damaged apple and pear trees can be restored to good condition with surviving cambium layering when cared for without pruning in early spring.

Keywords. Gardens, agrotechnical measures, cold, cold resistance, pomegranate, fig, date, peach, cherry, apricot, apple tree, pear.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига Волгабўйи ҳудудларидан Россия (Европа қисмида) шимолий ҳудудларида шакллланган совуқ ҳаво массаси 2023 йил 9 январь куни кириб келди.

Бу даврда мева дарахтлари ва ток туплари тўлиқ физиологик тинчлик даврида бўлди. Мева ва ток ўсимликлари октябрдан апрелгача тиним даврида бўлади. Органик ва мажбурий тиним даврлари бўлиб, мева ва ток органик тиним даврини ноябрь-декабрда, мажбурий тиним даврини январь-мартда ўтайди [1, 2, 3]. Мажбурий тиним даври баҳорда куртаклар уйғонгунгача давом этади. Тиним даврида метаболизм (моддалар алмашилиши) жараёни тўлиқ тўхтамай, балки ўсимлик ҳужайраларида мураккаб физиологик ва биокимёвий жараёнлар давом этади. Тиним даврида крахмал анчагина тўпланган бўлиб, кейинчалик паст ҳарорат таъсирида (5-6 °C) улар моносахарларга айланади [1, 4, 5]. Натижада ҳужайра ширасининг қуюқлиги (концентрацияси) кўпайиб новдаларнинг совуққа чидамлилиги ошади. Ҳарорат 0 °C гача пасайганда ўсимликнинг чиниқиши янада кучаяди. Крахмал гидролизи билан бир вақтда ҳужайраларда эркин сувлар миқдори камайиб, бириккан сувлар миқдори кўпаяди. Бу ҳам мева ва токнинг паст ҳароратга чидамлилигини оширади [1, 2, 3, 4, 5].

Мева турларидан жийда, ўрик, олхўри, чиллонжйида -28°-30 °C, нок, беҳи, гилос, ёнғоқ, бодом -26°-27 °C, олма, шафтоли-21°-25 °C ва анор, анжир, хурмо ва ток -15°-18 °C совуққа чидайди (жадвал).

Мевали боғларни совуқдан зарарланиш даражаси асосан тупроқ унумдорлиги, пайвандтағнинг совуққа чидамлилиги, навлар, ернинг шўрланиш даражаси ва ўтказилаётган агротехник тадбирлар боғлиқ бўлади. Мевали боғларнинг совуққа чидамлилиги ва чидамсизлилиги дарахтларнинг қишки тиним

1-жадвал.

Мева турлари ва токнинг совуққа чидамлилиги

№	Мева тури	Совуққа чидамлиги, °C
1.	Олма	-21°
2.	Нок	-26°-27°
3.	Беҳи	-27°
4.	Олхўри	-30°
5.	Гилос	-28°
6.	Шафтоли	-22°-25°
7.	Ўрик	-30°
8.	Чиллон жийда	-28°-30°
9.	Жийда	-30°
10.	Анжир	-16°-18°
11.	Анор	-15°-16°
12.	Хурмо	-18°-20°
13.	Бодом	-22°-25°
14.	Ёнғоқ	-27°
15.	Ток	-18°

даврига киришишига боғлиқ. Агар ўсимликларни тиним даврига кириши узоқ давом этса, навларни совуққа чидамлилиги паст, тиним даврига ўтиши тезроқ бўлса совуққа чидамлилиги баланд бўлади. Ўз вақтида тиним даврини ўтаса новдалар тўлиқ етилади, бу новдаларда фойдали моддалар тўлиқ таъминланиб совуққа чидамли бўлиш даражаси ошади. Доимий нам, қаттиқ, қумли ва унумдорлиги паст тупроқларда ёш ва ҳосил берадиган новдалар тўлиқ пишиб етилмайди ва натижада совуққа чидамлилиги пасайиб кетади.

Шунингдек, шўрлик даражаси баланд, қумоқ, қуруқ, унумдорлиги паст тупроқларда новда ўсуви пасаяди ва кам миқдорда фойдали элементлар билан қишгача бориши туфайли совуққа чидамлилиги даражаси камаяди. Кўп ҳолатларда ҳайдалмаган бегона ўтлар билан қопланган боғларга совуқ кўпроқ таъсир қилади. Минерал ва маҳаллий ўғитлар билан таъминланган, зарарли ҳашарот ва касалликларга қарши кураш ишлари ўз вақтида ўтказилган боғларда совуққа чидамлилиги даражаси юқори бўлади.

Боғ ва токзорларда нам туплаш мақсадида суғориш мева ва токнинг тиним даври (декабр-феврал)да 1-2 марта 1200-1500 м³/га миқдорда ўтказилади. Бу тупроқни музлаб қолишдан сақлайди, мева турлари ва токнинг совуққа чидамлилигини оширади.

Мевали боғлар новдаларини нотўғри кесиш, хусусан ўз вақтидан эртароқ ёки муддатидан олдин кесиш совуққа чидамлилигини пасайтиради. Шунингдек олиш лозимки, баъзида етилган меваларни дарахтда то қишгача қолдириш ҳам совуққа чидамлилигини пасайтириб юборади. Чунки дарахт танасидаги моддалар мевани сақлашга сарфланади ва пировардида ҳосил камайиб кетишига олиб келади.

Мевали дарахтларнинг танасини оқлаш кўп ҳолларда совуқдан ҳимоялаш ва қуёш нурини тўғридан-тўғри тушишини пасайтиришнинг энг яхши усули ҳисобланади. Бу тадбир ҳисобига мевали дарахтни уйғониш даври, яъни тиним даври

узаяди. Кўп ҳолларда мева териш даврида йўғон шохлари синади ва тиним давригача синган шохлар кесиб олинади ва албатта кесилган жойларини, яъни 2 см. дан ошган ҳолларда мойли бўёқ ёки алиф билан суртиб чиқиш совуқдан зарарланишини камайтиради.

Мевали дарахтларни ёшартириш ишларини бирданига эмас, балки 2–3 йилда амалга ошириш зарур. Чунки бирданига ёшартириш дарахтнинг қуришига ёхуд совуққа чидамлилигини пасайтириб юборади.

Агар мевали дарахтлар тана қисми ёки қалин шохларининг танаси шилинса, совуқ таъсирида ёрилиб, захм пайдо бўлса, захланган қисмини тозалаб 3% мис купороси, 3% Бордо суюқлиги билан тозалаб ювиб, оҳақли бўтқа суртиш керак. Мевали боғларни вегетация даврида 2–3 марта азотли ўғитлар, маҳаллий ўғитни шарбат усулида, фосфорли ва калий ўғитларни 40–50 см чуқурликда дарахтнинг илдиз қисмига яқин масофада чуқур қазиб берилса, куз пайтида фойдали элементлар билан тўйинган ҳолда тиним даврига тез тайёр бўлади.

Шафтоли, олча ва ўрик дарахтлари совуқдан зарарланса, буни қайта тиклаш қийинроқ, олма ва нокка нисбатан совуқдан зарарланган дарахтларни эрта баҳорда кесиб ташламасдан, парвариш қилинса, тирик қолган камбе қаватлари ҳисобига яхши ҳолатга келтириш мумкин. Субтропик мевали боғлар кўп йиллардан, яъни 2007 йилдан буён ҳаво ҳароратининг -25–27°C га пасайишининг ҳисобига дарахтларнинг устки қисми совуқдан зарар кўрмоқда. Сабаби иқлим ўзгариб, юртимизга совуқ ҳаво оқими кириб келмоқда. Бу совуқ таъсирида асосан анор, анжир, хурмо каби субтропик экинлар нобуд бўлмоқда.

Мевали дарахтларни эрта баҳор совуқларидан ҳимоялашда мевали дарахтлари эртароқ уйғонмаслиги учун тупроқ ва оҳақнинг 1/3 аралашма билан бўяш ҳамда мева боғларига тиним даврида яхоб суви бериш мевали дарахтлар уйғонишини 5–6 кунга кечиктиради ва эрта баҳордаги совуқдан ҳимоялайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Морозова Г.С. Виноградарство с основами ампелографии.- Агропромиздат, М.-1987. - 287 с.
2. Смирнов К.В., Колмикова Т. И., Морозова Г.С. Виноградарство.-Агропромиздат, М.- 1987. - 367 с.
3. Темуров Ш. Узумчилик. “Ўз. миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти – Т.- 2002. - 190 бет.
4. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. “Ўқитувчи” нашриёти, Т.-1981. - 452 б.
5. Қуранбаев Қ., Таджиев О., Қулмирзаев С., Иноятов М., Абдисатторов З. Томорқа-даромад манбаи. Ўқув- услубий қўлланма. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи нашриёти, Т.- 2017. - 187 б.

ИНТЕНСИВ БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР УЧУН КИЧИК ҲАЖМЛИ ПУРКАШ АГРЕГАТЛАРНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Ходжимухамедова Шахида Ибрагимовна,
“ТИҚХММУ” МТУ доценти,

Суюндикова Дилафруз Мамаражабовна,

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети магистри.

Аннотация. В статье подробно освещено текущее состояние и значение использования пурпурных агрегатов с плотными объемами для химизации интенсивных парков и токов.

Annotation. The article details the current state and significance of using magenta aggregates with dense volumes for chemically intensive parks and currents.